QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 20 » oktabr № 581 Toshkent sh.

Сунъий интеллектга оид амалий лойиҳаларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда замонавий технологияларнинг жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сунъий интеллектни илм-фан ва илмий-тадқиқот соҳаларида кенг жорий қилиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 22 октябрдаги ПФ–189-сон Фармонига мувофиқ олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчилари уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари учун график ишлов бериш блоклари (GPU кластер) ва “катта маълумотлар” базаларидаги маълумотлардан (кейинги ўринларда – Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмаси) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан белгиланадиган ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда бепул ёки имтиёзли равишда фойдаланиш;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар давлат органлари ва хўжалик жамиятлари томонидан лойиҳалар жорий этилгандан сўнг беш йил давомида тўлиқ миқдорда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) қайтарилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчилари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан бепул ёки имтиёзли равишда фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 22 октябрдаги ПФ–189-сон Фармонига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан фоизсиз кредит сифатида ажратилган маблағлар ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш ва ажратилган маблағларни қайтариш Жамғарма, Марказ ҳамда давлат органлари ва хўжалик жамиятлари ўртасида тузиладиган молиялаштириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ амалга оширилади.

4. Рақамли технологиялар вазирлиги **икки ой муддатда** Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланиш тарифларини тасдиқласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 20 ” октябрдаги 581-сон қарорига
илова

Олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчиларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари учун Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан бепул ёки имтиёзли равишда фойдаланиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчилари томонидан график ишлов бериш блоклари (GPU кластер) ва “катта маълумотлар” базаларидаги маълумотлардан (кейинги ўринларда – Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан) бепул ёки имтиёзли равишда фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

валидация – сунъий интеллект моделининг сифати, тўғри ишлаши ва белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида текшириш;

дастурий интерфейс (API) – ахборот тизимлари, дастурлар ёки сервислар ўртасида маълумот алмашиш ва ўзаро ишлашни таъминловчи қоидалар, усуллар ва техник воситалар мажмуи;

ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар – “катта маълумотлар”, машинавий ўқитиш ва бошқа сунъий интеллект технологиялари асосида аҳоли, давлат органлари ва иқтисодиёт тармоқлари учун ижтимоий фойдали натижа яратишга қаратилган, таълим, тиббиёт, экология, транспорт, қишлоқ хўжалиги, давлат хизматлари, хавфсизлик, энергия самарадорлиги ва бошқа устувор соҳалардаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчилари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар;

инференс – олдиндан ўргатилган сунъий интеллект модели орқали янги маълумотларни қайта ишлаш ва натижани шакллантириш жараёни;

катта тил модели – катта ҳажмдаги матнли ва бошқа маълумотлар асосида ўқитилган, табиий тилни қайта ишлаш технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчи сўровларини таҳлил қилиш, мазмунли жавобларни шакллантириш, матнни яратиш, таҳрир қилиш, таснифлаш, умумлаштириш ва таржима қилиш вазифаларини бажарувчи сунъий интеллект модели;

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмаси – Рақамли технологиялар вазирлигига тегишли бўлган, сунъий интеллект технологиялари бўйича параллель ҳисоблашни амалга ошириш, машинавий ўқитиш ва бошқа лойиҳалар учун зарур бўлган график ишлов бериш блокларини (GPU) ўз ичига олган юқори самарали ҳисоблаш кластери ҳамда маълумотларни тўплаш, сақлаш ва шакллантириш учун ихтисослаштирилган "катта маълумотлар" базаси;

токен – катта тил модели ёки сунъий интеллект сервиси орқали қайта ишланган кирувчи сўровлар ва шакллантирилган чиқувчи жавоблар миқдорини ифодаловчи ҳисоб кўрсаткичи;

фойдаланувчи – сунъий интеллект соҳасида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ташаббус қилувчи олий таълим ташкилотлари, илмий ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–357-сон қарори билан белгиланган Рақамли стартаплар дастурига аъзо бўлган стартаплар, шунингдек, ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчилари.

2-боб. Сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланиш

3. Фойдаланувчиларга Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмаси ушбу Низом, ахборот хавфсизлиги талаблари, маълумотлардан фойдаланиш шартлари, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан белгиланадиган техник ва ташкилий талаблар, шунингдек, фойдаланувчи билан тузиладиган келишув ёки хизмат кўрсатиш шартлари асосида тақдим этилади.

Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан сунъий интеллект моделларини ўқитиш, қўшимча ўқитиш, синовдан ўтказиш, валидация қилиш, баҳолаш, инференс ҳамда ахборот-таҳлилий хизматлар мақсадларида фойдаланишга рухсат этилади.

4. Катта тил моделлари технологиясидан фойдаланувчи лойиҳалари учун Марказ томонидан дастурий интерфейс (API) орқали фойдаланиш имконияти тақдим этилади.

Бунда фойдаланувчига Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасида катта тил моделлари технологиясидан бепул равишда 6 ойгача муддатда, бир календарь ой давомида дастурий интерфейс (API) орқали 10 миллион токен ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашга рухсат берилади.

Токенлар ҳажми, агар Марказ томонидан тасдиқланган техник шартларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасига кирувчи сўровлар ва чиқувчи жавоблар бўйича қайта ишланган токенлар йиғиндиси асосида ҳисобланади.

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

Фойдаланувчи томонидан бир календарь ой давомида 10 миллион токендан ортиқ ҳажмда фойдаланилган тақдирда, қўшимча 50 миллион токенгача бўлган ҳажм учун тўловлар Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифларга мувофиқ белгиланади. Бунда тариф бўйича 50 фоиз миқдорида чегирма тақдим этилади, фойдаланилмаган токенлар кейинги ойларга ўтказилмайди.

5. Фойдаланувчига катта тил моделлари бўйича фақат инференс, синовдан ўтказиш, валидация қилиш, баҳолаш ҳамда ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш мақсадларида фойдаланишга рухсат этилади.

6. Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмаси ҳисоблаш қувватларидан катта тил моделлари ҳисобланмайдиган сунъий интеллект моделларини ўргатиш, қўшимча ўргатиш, синовдан ўтказиш, валидация қилиш, баҳолаш ва инференс мақсадларида 6 ойгача бўлган муддатга жами 120 гигабайтдан кўп бўлмаган видеохотира ҳажми фойдаланувчи аризасига мувофиқ ажратилади.

Ажратиладиган ресурслар ҳажми, фойдаланиш муддати, техник параметрлари, чекловлари, ҳисоблаш графиги ва фойдаланиш шартлари Марказ томонидан тасдиқланадиган техник топшириқ, хизмат кўрсатиш шартлари ёки фойдаланувчи билан тузиладиган келишувда белгиланади.

7. Фойдаланувчи ажратилган ресурслардан фойдаланиш муддати тугаганидан ва лойиҳа натижалари бўйича якуний ҳисобот Марказ томонидан қабул қилинганидан сўнг янги лойиҳа билан навбатдаги танловда иштирок этишга ҳақли.

Бир фойдаланувчига бир вақтнинг ўзида Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмаси ресурсларидан фойдаланиш бўйича биттадан ортиқ лойиҳани амалга оширишга рухсат берилмайди.

8. Фойдаланувчиларга Марказ томонидан белгиланадиган ахборот хавфсизлиги талаблари ҳамда ажратиладиган ресурслар (ҳажмлар) доирасида “катта маълумотлар” базаларидаги маълумотлардан бепул фойдаланиш имконияти берилади. Фойдаланувчилар, агар қонунчилик ҳужжатларида ёки Марказ билан тузилган шартномада (келишувда) бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, олинган маълумотларни ушбу Низомда белгиланган мақсадлардан ташқари қайта ишлашга, учинчи шахсларга тақдим этишга (беришга), нусхалашга, тарқатишга ёки тижорат мақсадларида фойдаланишга ҳақли эмас.

3-боб. Лойиҳаларни танлаб олиш тартиби

9. Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан имтиёзли равишда фойдаланиш ҳуқуқи учун фойдаланувчиларнинг лойиҳалари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан шакллантириладиган эксперт комиссияси (кейинги ўринларда – эксперт комиссияси) томонидан танлов ўтказиш орқали саралаб олинади.

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

10. Танлов бир йилда икки маротаба (июль ва ноябрь ойларида) ўтказилади.

11. Эксперт комиссияси таркибига давлат органлари, тегишли соҳалар мутахассислари, илмий ташкилотлар вакиллари ҳамда мустақил экспертлар киритилади.

Эксперт комиссиясининг таркиби ва иш тартиби рақамли технологиялар вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Марказ эксперт комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

12. Қуйидагилар эксперт комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танловга тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш;

танловга тақдим этилган лойиҳаларни баҳолаш;

танлов ғолибларини саралаш;

танловни ўтказиш тартиби юзасидан тушунтиришлар бериш;

қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан иштирокчиларни четлатиш ва далолатномалар тузиш;

танлов натижалари юзасидан якуний қарор қабул қилиш учун “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига таклиф киритиш.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси эксперт комиссиясининг танлов натижалари юзасидан киритган таклифларини кўриб чиқади ҳамда танлов ғолибларини тасдиқлаш тўғрисида якуний қарор қабул қилади.

13. Танлов ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ўртасида ўтказилади.

14. Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишга асосланган, аниқ мақсад ва кутилаётган натижаларга эга бўлиши;

ресурслардан фойдаланиш ҳажми, муддати ва кутилаётган самарадорлик кўрсаткичлари асослаб берилиши;

қонунчилик ҳужжатлари, ахборот хавфсизлиги талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг “Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2026 йил 14 мартдаги 3787-сон буйруғига мувофиқ бўлиши.

15. Танловда ариза берувчилар қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида умумий 100 балли тизим бўйича баҳоланади:

ижтимоий аҳамияти 10 баллгача;

самарадорлик даражаси 10 баллгача;

кутилаётган натижаси 20 баллгача;

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

инновационлик даражаси 10 баллгача;

техник жиҳатдан асосланганлиги 10 баллгача;

ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги 20 баллгача;

хавфсизлик талаблари ва маълумотлар билан ишлаш даражаси 10 баллгача;

сунъий интеллект этикаси қоидаларига амал қилингани 10 баллгача.

Танловда иштирокчилар томонидан тенг балл тўпланган тақдирда, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва кутилаётган натижа мезонлари бўйича юқори балл олган иштирокчига устуворлик берилади.

16. Танлов ўтказилиши ҳақидаги эълон аризалар қабул қилиниши бошланишидан камида бир ой олдин Марказнинг расмий веб-сайти ва бошқа ахборот ресурсларида жойлаштирилади.

Танлов эълонида танловни ўтказиш муддатлари, иштирок этиш шартлари, аризаларни қабул қилиш тартиби ва муддатлари, тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, баҳолаш мезонлари, танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар акс эттирилади.

17. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза илова қилинган ҳолда, электрон шаклда Марказнинг расмий веб-сайти орқали аризалар қабул қилиниши бошланган санадан бошлаб ўн иш куни ичида тақдим этилади.

18. Эксперт комиссияси аризаларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг ўн беш иш куни ичида келиб тушган аризаларни кўриб чиқади, баҳолайди ва танлов натижалари юзасидан якуний қарор қабул қилиш учун “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига киритади.

19. Танлаб олинган ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар Марказнинг расмий веб-сайтида юритиладиган реестрга киритиб борилади. Реестрда лойиҳа номи, фойдаланувчи номи, лойиҳанинг йўналиши, ажратилган ресурс тури ва амалга ошириш муддати акс эттирилади.

4-боб. Апелляция комиссияси фаолиятини ташкил этиш

20. Танлов иштирокчиларининг танлов натижалари юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш учун Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан эксперт комиссияси таркибига кирмаган камида беш нафар мутахассисдан иборат таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Зарур ҳолларда апелляция комиссияси ишига мустақил экспертлар жалб этилиши мумкин.

21. Танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар танлов натижалари эълон қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида апелляция комиссиясига электрон шаклда апелляция шикояти беришга ҳақли.

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида талабгор эксперт комиссияси вакиллари ҳамда зарур ҳолларда, мустақил экспертлар иштирок этиши мумкин.

22. Апелляцияга фақат талабгорнинг ўзи томонидан тақдим этилган лойиҳа бўйича баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқишга оид апелляция шикояти қабул қилинади.

23. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини ушбу Низом талаблари, баҳолаш мезонлари ва тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш иш кунида кўриб чиқади ҳамда эксперт комиссияси қарорини ўзгартириш, бекор қилиш ёки ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади.

24. Апелляция комиссияси эксперт комиссияси қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, эксперт комиссияси Апелляция комиссияси қарорини мажбурий тартибда инобатга олган ҳолда, танлов натижаларини қайта кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

25. Апелляция комиссияси томонидан қабул қилинган қарор апелляция шикояти билан мурожаат қилган талабгорга ва эксперт комиссиясига қарор қабул қилинган кунда электрон шаклда юборилади.

5-боб. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари

26. Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланиш давомида фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Низомда белгиланган тартиб ва шартлар асосида сунъий интеллект инфратузилмаси ҳисоблаш қувватлари ҳамда “катта маълумотлар” базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш;

Марказдан Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланиш тартиби, техник талаблар ва ресурслардан фойдаланиш шартлари бўйича ахборот ва тушунтиришлар олиш;

ушбу Низомда белгиланган тартибда ажратилган ресурслар ҳажми, улардан фойдаланиш муддати ва техник параметрлари тўғрисида маълумот олиш;

лойиҳани амалга ошириш жараёнида Марказ билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда техник масалалар юзасидан маслаҳат олиш;

ушбу Низом талабларига мувофиқ ресурслардан фойдаланиш якунланганидан сўнг янги лойиҳа билан навбатдаги танловда иштирок этиш;

Марказнинг қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш.

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

6-боб. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

27. Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланиш давомида фойдаланувчи қуйидагиларга мажбур:

ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва маълумотлардан фойдаланиш талабларига риоя этиш;

қайта ишловчи техник ва дастурий воситалар, ташкилий техника, компьютер техникаси ва ускуналари, телекоммуникация тармоқлари ва воситалари ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши;

ажратилган сунъий интеллект инфратузилмаси, дастурий интерфейс (API), маълумотлар базалари ва бошқа ресурслардан фақат тасдиқланган лойиҳа мақсадларида фойдаланиш;

Марказ томонидан сўралганда ресурслардан фойдаланиш ҳолати, лойиҳа натижалари, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ва маълумотлар билан ишлаш ҳолати юзасидан ҳисобот тақдим этиш;

ажратилган ҳисоб ёзувлари, дастурий интерфейс (API) калитлари, кириш пароллари ва бошқа идентификация воситаларини учинчи шахсларга бермаслик;

инфратузилмадан криптовалюта майнинги, зарарли дастурлар яратиш, рухсатсиз кириш, спам, фишинг, ноқонуний контент яратиш ёки қонунчиликка зид бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

ахборот хавфсизлиги инциденти ёки маълумотлар тарқалиши ҳолати аниқланган тақдирда, Марказни зудлик билан хабардор қилиш.

7-боб. Марказнинг ҳуқуқлари

28. Фойдаланувчи томонидан ушбу Низом, ахборот хавфсизлиги талаблари, маълумотлардан фойдаланиш шартлари ёки Марказ билан келишилган техник шартлар бузилган тақдирда, Марказ қуйидаги чораларни қўллашга ҳақли:

фойдаланувчига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида огоҳлантириш юбориш;

ажратилган видеохотира ва дастурий интерфейс (API) ресурслари ёки “катта маълумотлар” базаларидаги маълумотлардан фойдаланишни вақтинча чеклаш;

фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш.

29. Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланишда ажратилган ресурслар ҳажми, фойдаланиш муддати, техник параметрлар, токенлар сони, видеохотира ҳажми, ҳисоблаш вақти, маълумотлардан фойдаланиш ҳажми, ҳисоб-китоб тартиби, ахборот хавфсизлиги талаблари ва ҳисобот тақдим этиш шартлари Марказ томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинади ва мониторинг қилинади.

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

Мониторинг натижалари лойиҳани давом эттириш, ресурс ҳажмини ўзгартириш, фойдаланишни чеклаш ёки бекор қилиш бўйича қарор қабул қилишда асос бўлиши мумкин.

8-боб. Марказнинг мажбуриятлари

30. Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланишни ташкил этишда Марказ қуйидагиларга мажбур:

фойдаланувчиларга ажратилган ресурслардан фойдаланиш учун зарур техник ва ташкилий шарт-шароитларни таъминлаш;

ҳисоблаш қувватлари ва “катта маълумотлар” базаларига ушуб Низом ҳамда фойдаланувчи билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиш имкониятини тақдим этиш;

фойдаланувчиларга инфратузилмадан фойдаланиш тартиби, техник талаблар ва ахборот хавфсизлиги бўйича зарур ахборот ҳамда тушунтиришлар бериш;

фойдаланувчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар ва лойиҳа материалларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳофаза қилинишини таъминлаш;

ажратилган ресурслардан фойдаланиш ҳолатини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда ахборот хавфсизлиги инцидентлари юзасидан зарур чораларни кўриш;

ушбу Низомга мувофиқ фойдаланувчиларнинг якуний ҳисоботларини кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарор қабул қилиш.

9-боб. Якунловчи қоидалар

31. Фойдаланувчи Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан фойдаланиш натижасида яратилган дастурий маҳсулотлар, моделлар, алгоритмлар, маълумотлар тўпламлари ва бошқа интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

32. Марказ фойдаланувчилар томонидан тақдим этилган махфий маълумотлар, тижорат сирлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа маълумотларнинг сақланишини таъминлаш бўйича зарур ташкилий ва техник чораларни кўради.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

Олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчиларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари учун Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан бепул ёки имтиёзли равишда фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчиларига уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари учун Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан имтиёзли равишда фойдаланиш имкониятини тақдим қилиш бўйича танловни ташкил этиш ва ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Марказ *(“Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” ДМ)*	Танлов бўлиб ўтиш муддатлари ва шартлари тўғрисида эълон беради.	Ҳар йили июнь ва октябрь ойларининг бошида
2-босқич	Талабгорлар *(олий таълим ва илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳоким маслаҳатчилари)*	Марказ веб-саҳифаси орқали тегишли намунадаги ариза тақдим этади.	Марказ томонидан эълон қилинган кундан эътиборан 1 ой давомида
3-босқич	Марказ *(“Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” ДМ)*	Келиб тушган мурожаатларни қабул қилади ва эксперт комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади.	Эълон якунлангандан сўнг 3 иш кунида
4-босқич	Эксперт комиссияси	Келиб тушган аризаларни кўриб чиқади, баҳолайди ва натижаларини “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига тақдим қилади.	Аризаларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг 15 иш куни ичида
5-босқич	“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси	Натижаларни кўриб чиқади ҳамда танлов ғолибларини тасдиқлаш тўғрисида якуний қарор қабул қилади.	Ҳар йили июль ва ноябрь ойларида

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

6-босқич	Марказ *(“Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” ДМ)*	Танлов натижаларини эълон қилади, ғолиб лойиҳаларни веб-саҳифадаги махсус реестрга киритади.	Якуний қарор қабул қилингандан сўнг бир иш кунида

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

Олий таълим, илмий ташкилотлар, стартаплар ҳамда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчиларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари учун Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан бепул ёки имтиёзли равишда фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари учун Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллект инфратузилмасидан имтиёзли равишда фойдаланиш тўғрисида
АРИЗА

_____

(ариза берувчи ОТМ, илмий ташкилот ёки стартап номи)

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” давлат муассасасидан ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳани амалга ошириш мақсадида сунъий интеллект инфратузилмаси ресурсларидан имтиёзли равишда фойдаланишни сўраб қуйидагиларни маълум қилади:

1. Ташкилот тўғрисида маълумот:

_____

2. Лойиҳанинг номи:

_____

3. Лойиҳанинг қисқача тавсифи:

_____

4. Лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти ва қайси соҳага тегишлилиги (таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, экология, давлат бошқаруви, транспорт ва бошқалар):

_____

5. Лойиҳанинг мақсади ва кутилаётган натижалари:

_____

6. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш йўналиши:
моделни ўқитиш
моделни қўшимча ўқитиш
синовдан ўтказиш
валидация қилиш
хулоса (инференс)
бошқа _____.

7. Сўралаётган ресурс тури:
GPU кластер;
“катта маълумотлар” базаларидаги маълумотлар;
GPU кластер ва “катта маълумотлар” базаларидаги маълумотлар;

QMMB: 09/26/581/1055-son
21.10.2026-y.

8. Сўралаётган техник ресурслар ҳажми:
Токенлар сони _____;
Ҳисоблаш муддати _____;
Видеохотира ҳажми _____;
Бошқа талаблар _____;

9. Ресурслардан фойдаланиш муддати _____

10. Ресурслардан фойдаланишнинг техник асослантирилиши:
_____

11. Лойиҳани амалга оширувчи жамоа ва лойиҳа раҳбари тўғрисида маълумот:
_____

12. Ахборот ва киберхавфсизлик талабларига риоя этилиши бўйича маълумот:
_____

13. Соҳани тартибга солувчи ваколатли органлар ёки бошқа ташкилотларнинг тавсияномалари мавжудлиги:
Ҳа
Йўқ
(мавжуд бўлса, илова қилинади)

14. Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар:
лойиҳа портфолиоси;
техник топшириқ;
тавсиянома(лар);
бошқа ҳужжатлар _____

Аризада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаймиз ҳамда мазкур Низом талабларига риоя қилиш мажбуриятини оламиз ҳамда аризада келтирилган маълумотларни текшириш ва шахсга доир маълумотларга қонунчиликда белгиланган тартибда ишлов берилишига розилик билдирамиз.

_____ _____

(сана) (раҳбар ёки бошқа ваколатли шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1